

АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАР

- Ой якунларига кўра, савдоларнинг умумий ҳажми 1,46 трлн сўмни (115,99 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг июл ойига нисбатан 1,30 трлн сўмга ёки 9 баробарга ўсди.
- Шу билан бирга, 1,44 трлн сўмни (113,91 млн доллар) ёки битимлар ҳажмининг 98,19 фоизи биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан тузилган битимларга тўғри келди. Савдо ҳажмининг қолган қисми листингдан ташқари савдо майдончаси (ЛТСМ) битимларига тўғри келди.
- Биржа савдо майдончаларидаги битимларнинг умумий сони 27 997 тани ташкил этиб, бу 2024 йилнинг июл ойига нисбатан 21 037 тага ёки 42,90 фоизга камайди. Шундан 23 720 та битим Биржанинг биржа котировкалаш варағига киритилган қимматли қоғозлар билан, 4 277 та битим эса листингдан ташқари савдо майдончасида амалга оширилган.
- Ўртача кунлик савдо ҳажми 63,59 млрд сўмни (5,04 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 1 217 тани ташкил этди.
- Ой якунига кўра, UCI индекси 2,69% фоизга ошиб, 656,99 пунктни ташкил этди.

БОЗОР ШАРҲИ

АКЦИЯ БОЗОРИ

Акциялар бозоридаги савдолар ҳажми 1,30 трлн сўмни (102,89 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг июл ойига нисбатан 1,23 трлн сўмга ёки 20 баробарга ошди. Шу ўринда, савдоларнинг асосий ҳажми (1,22 трлн сўм) Free of Payment (FoP) платформасига тўғри келди.

Акциялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 56,38 млрд сўмни (4,47 млн доллар), ўртача кунлик битимлар сони эса 983 тани ташкил этди.

Ой якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 6,99 трлн сўмга ёки 2,88 фоизга ошиб, 249,77 трлн сўмни (19,84 млрд доллар) ташкил этди. Эркин муомалада бўлган (free float) акцияларнинг бозор капиталлашуви 4,03 трлн сўмни (320,17 млн доллар) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 92 та акция эмитентларининг 134 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.


Акциялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		7/2021	7/2022	7/2023	7/2024	7/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	66 051	25 509	12 589	63 931	1 296 840
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	3 145	1 275	599	2 780	56 384
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	15	4	1	1	57
Битимлар сони	дона	4 459	6 095	36 055	44 820	22 608
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	212	305	1 717	1 949	983

UCI ИНДЕКСИ

Ой якунига кўра, UCI индекси 2,69% фоизга ошиб, 656,99 пунктни ташкил этди.

2025 йил июл ойидаги UCI индекси графиги



ОБЛИГАЦИЯЛАР БОЗОРИ

Корпоратив облигациялар бозорида савдолар ҳажми 139,34 млрд сўми (11,02 млн доллар) ташкил этиб, 2024 йилнинг июл ойига нисбатан 136,17 млрд сўмга ёки 44 баробарга ошди.

Облигациялар бозорида савдоларнинг ўртача кунлик ҳажми 6,06 млрд сўми (479,12 минг доллар), ўртача кунлик битимлар сони 48 тани ташкил этди.

Биржа котировкалаш варағига киритилган облигацияларнинг бозор қиймати 1,52 трлн сўми (120,60 млн доллар) ташкил этди.

Ой якунига кўра, 10 та облигация эмитентларининг 19 та инструментлари Биржа котировкалаш варағида мавжуд эди.

Облигациялар бозорининг асосий кўрсаткичлари

		7/2021	7/2022	7/2023	7/2024	7/2025
Савдо ҳажми	млн сўм	1 398	62 250	1 832	3 173	139 342
Ўртача кунлик савдо ҳажми	млн сўм	67	3 113	87	138	6 058
Битта битимнинг ўртача ҳажми	млн сўм	18	15 563	54	6	125
Битимлар сони	дона	76	4	34	550	1 112
Ўртача кунлик битимлар сони	дона	4	0,2	2	24	48

ЛИСТИНГ

Ой охирида биржа котиловкалаш варағида 100 та эмитентнинг 153 та инструментлари мавжуд эди.

ЛИСТИНГДАН ТАШҚАРИ САВДО МАЙДОНИ (ЛТСМ)

Ой якунига кўра, Биржанинг листингдан ташқари савдо майдончасида 4 277 та битим тузилиб, ўтган йилнинг июл ойига нисбатан 16,76% га ошди.

Савдолар ҳажми 26,41 млрд сўмни (2,08 млн доллар) ташкил этиб, ўтган йилнинг июл ойига нисбатан 73,32 фоизга пасайди.

94 та эмитентнинг қимматли қоғозлари битимлар объекти бўлди.